



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА КРЕДИТ РИСКЛАРИНИ КАМАЙТИРИШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Абдумуталибов Умиджон Абдувахоб уғли

“Hamkorbank” АТВ Жалакудук Универсал банк
хизматлари офиси Ундирув хизмати бўлими бошлиғи

Банк-молия академияси Бизнесни бошқариш

”Банк иши” йўналиши тингловчиси

Тел: +998902688282

Хикматов Илёсжон Умаржонович

“Hamkorbank” АТВ Марғилон Универсал банк
хизматлари офиси Ундирув хизмати бўлими бошлиғи

Банк-молия академияси “Fin Tech” йўналиши тингловчиси

Тел: +998 91 283 99 22

Аннотация: Ушбу мақолада тижорат банклари кредит портфелидаги кредит рискларини бошқариш билан боғлиқ бўлган жараёнлар ва услубларни самарадорлигини ошириш масалалари кўриб чиқилган. Биламиз, банк фаолияти рискга асосланган фаолиятдир. Банк фаолиятида таваккалчиликларни бошқариш вазифалари ҳар доим жуда муҳим ҳисобланган. Шу муносабат билан банк тизимининг энг долзарб муаммоларидан бири банклар кредит портфелидаги муаммоли кредитлар салмоғини



камайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, мавжуд тизимларни такомиллаштириш, банкларнинг жорий фаолиятида таваккалчиликларни бошқариш тартиб-қоидаларини амалда жорий этишдир. Айниқса охириги йилларда аҳолига ажратилаётган имтиёзли кредитларни қолдиги ортиши ва аҳолининг кредит туловларини уз вақтида амалга оширмаганлиги натижасида банк кредит портфелида муаммоли кредитлар ортиб кетган шу сабабдан кредит портфели сифатини яхшилаш ва кредит таваккалчиликларини бошқариш масалалари долзарб масалаларга айланди.

Таянч сўз ва иборалар: Банк, банк фаолияти, риск, кредит, ички кредит рейтинг тизими, кредит риск, муаммоли кредит, муддати ўтган кредит, потенциал муаммо, банк кредит портфели, скоринг тизими, валидация.

Abstract: This article discusses the issues of increasing the effectiveness of mechanisms related to credit risk management in the loan portfolio of commercial banks. We know that banking is a risk-based activity. The tasks of risk management in banking have always been very important. In this regard, the most pressing issue of the banking system is to improve the quality of corporate governance and the implementation of risk management procedures in the current activities of banks.

Key words and phrases: Bank, banking activity, risk, credit, internal credit rating system, operational risk, credit risk, problem loan, overdue loan, potential problem, bank loan portfolio.

Кириш

Ўзбекистон банкларида рискларни бошқаришни амалга ошириш зарурлигини кўрсатишдир, чунки илғор тажрибали банкларда рискларни бошқариш тизими узок



вақтдан бери банк бошқарувининг муҳим элементи, унинг рақобатбардошлиги кафолати сифатида эътироф этилган.

Ҳар қандай иқтисодий муҳитдаги банк хизматлари истеъмолчилари учун банк хизматлари жозибадорлигини оширишда операцион процедураларнинг аниқ, тезкор бажарилиши, хатолар ва носозликларнинг йўқлиги, банк мажбуриятларининг ўз вақтида бажарилиши асосий омиллардир. Бу омилларни кафолатлаш тизими эса тўғридан тўғри банкларнинг кредит портфели сифатини яхшиланиши, молиявий барқарорлиги, ликвидлилиги масалаларига боғлиқ бўлади.

Иқтисодий адабиётларда банк кредит портфелида муаммоли кредитлар улуши даражасини мақбул даражада бошқариш, бунда фойдаланиладиган ёндашув ва услублар ҳамда моделлар етарли даражада батафсил ўрганилган. Муаммоли кредитлар, одатда ташқи ва ички, макро ва микроиқтисодий, ёки банкка боғлиқ бўлган ва бўлмаган омиллар таъсирида келиб чиқади.

Авваламбор муаммоли кредит тушунчасига тўхталадиган бўлсак, Марказий банкнинг амалдаги активларни таснифлаш бўйича меъёрий хужжатига асосан муаммоли актив сифатида қониқарсиз, шубхали ва умидсиз сифатида таснифланган активлар киради. Бу ёндашув халқаро тажрибалар асосида ишлаб чиқилган.

Бундан ташқари кредит rischi тушунчаси бўйича адабиётларда ва халқаро амалиётда келтирилган ёндашувларга ҳам мурожаат қилишимиз мақсадга мувофиқ. Базел қўмитасининг “Кредит таваккалчиликларини бошқариш тамойиллари” йўриқномасининг 2-бандида кредит rischi тушунчасига келишилган шартлар бўйича қарздор томонидан ўзининг мажбуриятларини бажара олмаслиги деб таъриф берилган [1].



О.И. Лаврушин ўзининг “Банк иши ” дарслигида кредит rischi тушунчасига, қарздорнинг кредитор талабларини тўлиқ ҳажмда бажариш имкониятларининг мавжуд эмаслиги сифатида таъриф беради[2].

У.А.Тухтабаевнинг хулосасига кўра муаммоли кредитлар кредит riskларининг амалда яққол намоён бўлишининг натижасидир, яъни кредит riskларини тўғри бошқара олмасликнинг оқибати бўлиб ҳисобланади [3].

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, айти кунда мамлакатимиз тижорат банклари кредит портфелидаги муаммоли кредитлар билан боғлиқ ҳолатларда номи келтирилган тадқиқотчилар томонидан амалга оширилган илмий ишлар долзарблигини кузатишимиз мумкин.

Дарҳақиқат, тижорат банкларидаги мавжуд муддати ўтган ва муаммо тусини олган кредитлар нафақат активлар сифатига салбий таъсир кўрсатади, балки кредитларни қайтмаслик хавфининг ортишига олиб келади.

Тадқиқот методологияси

Мақолада тижорат банкларида кредит портфели сифатини янада яхшилаш ва кредит таваккалчиликларини бошқариш услублари, жараёнлари, таҳлил усулларини янада ривожлантириш муаммоларни ўрганишда илмий абстракт-мантикий фикрлаш ва қиёсий таҳлил қилиш орқали ўрганилди. Бундан ташқари тижорат банкларида банк кредит портфели сифатини янада яхшилашда илғор хорижий тажрибалар, Базел қўмитасининг тавсиялари бўйича замонавий усулларида кенг фойдаланилди. Шунингдек, тижорат банкларида кредит портфели сифатини янада яхшилаш йўллари ишлаб чиқишда илмий мушоҳада усулларида фойдаланилди.


Таҳлиллар



Мунтазам равишда янги банк хизматлари яратилади ва банк шу тариқа янги ва ўрганилмаган хатарларга жалб қилинади. Банк кредит махсулотлари ҳам шундай тарзда янги ва қулай турлари жорий қилиниб борилади. Шу боисдан қайси иқтисодий соҳаларга кредит ажратиш, маълум соҳаларга кредитлаш шартларини кучайтириш, кредит портфелида келгусида юзага келиши мумкин бўлган муаммоли кредитларни аниқлаб, олдиндан бошқариш чораларини кўриш масалалари доимий муҳим масалалардан ҳисобланади.

Банклар активларининг катта қисмини кредит қўйилмалар ташкил қилиши ўз-ўзидан кредит таваккалчиликларни бошқаришга кўпроқ эътибор бериш заруриятини келтириб чиқаради.

Бугунги кунда ҳалқаро тажрибалардан келиб чиқсак, кредит портфелини бошқаришда қуйидаги¹ услуб, таҳлил усуллари ва ёндашувлардан фойдаланилади:



¹Муаллифлар томонидан тайёрланди



Юқоридаги жадвалда кўрсатилганидек, ички рейтинг тизими ҳар бир банк фаолиятининг ўзига ҳослиги, танлаган бизнес модели ва банкнинг кўлаמידан келиб чиқиши зарурлиги таъкидланган. Ички кредит рейтинг тизимини жорий қилиниши кредитларни ажратишдан бошлаб мониторинг қилишгача бўлган жараёнларни ўз ичига олади. Бундан ташқари банк капитали етарлилигини ҳисоблашда банкнинг таваккалчиликка мойиллик даражасидан келиб чиқиб ҳисоблаш имкониятини беради. Ички кредит рейтинг кредит рискларини назорат қилишнинг муҳим инструментларидан бири ҳисобланиб, кредит портфелини мониторинг қилишда катта аҳамият касб қилади. Ички кредит рейтинг тизими кредит портфелдаги ҳақиқатда муаммога айланган кредитлардан ташқари потенциал муаммога айланиши мумкин бўлган кредитлар бўйича ҳам “эрта огоҳлантирувчи сигнал” вазифасини ўтайди. Бунинг ёрдамида банкнинг тегишли бўлинмалари кредит портфелини жорий ва истикболдаги ҳолатларидан доимий хабардор бўлган ҳолда банкнинг кредитлаш стратегиясига даврий равишда ўзгартиришлар киритиб боришади. Кредит портфелдаги ҳар бир кредит сифати бўйича тўғри ва муносиб кредит рейтинг берилишини таъминлаш учун ҳар бир мижоз бўйича кредит рейтингни белгилаш, тасдиқлаш ва даврий равишда рейтингни қайта кўриб чиқиш функцияси кредитлашдан алоҳида бўлган мустақил бўлинмада бўлиши керак. Бундан ташқари ички кредит рейтинг методологиясига ўзгартириш ва қўшимчалар қилиш нуқтаи назаридан методологияни қайта кўриб чиқиш ҳам кредитлашдан алоҳида бўлган мустақил бўлинма томонидан амалга оширилиши керак.

Республикамиз тижорат банкларида кредит портфели сифатини янада яхшилаш бўйича масалалар долзарб масалага айланганлигини қуйидаги жадвалдан ҳам кўришимиз мумкин:



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ МУАММОЛИ КРЕДИТЛАРИ (NPL) ТЎҒРИСИДА, МЛРД.СУМ²

№	Кўрсаткичлар	01.01.2021	01.01.2022	01.01.2023	01.01.2024
1	Кредит портфель	276 975	326 386	390 049	471 406
2	Муаммоликредитлар (NPL)	5 785	16 974	13 992	16 621
3	Муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши	2,10%	5,20%	3,59%	3,53%

Юқорида жадвалдан кўриниб турибдики 2021 йилнинг бошига республикамиздаги жами банкларнинг кредит портифелига нисбатан муаммоли кредитларни улиши 2.10 % ташкил қилган бўлса, 2024 йилнинг бошига эса ушбу кўрсаткич 3.53 % ни ташкил қилган. Бундан келиб чиқиб юртимизда муаммоли кредитлар салмоги йилдан йилга ортаётганлигини кўришимиз мумкин бўлади. Демак банклар кредит портфели сифатини яхшилашда кредит ажратиш жараёнларини ҳам қайта кўриб чиқиш муҳим аҳамият касб қилади.

Банклар кредит портфели сифатини яхшилашда кредит ажратиш жараёнларини ҳам қайта кўриб чиқиш муҳим аҳамият касб қилади. Бугунги кунда Республикамиз тижорат банкларида бу бўйича бир қанча янгиликлар жорий қилинди. Хусусан чакана кредитлаш жараёни аксарият банкларда онлайн скоринг тизими орқали амалга оширилиши йўлга қўйилди. Корпоратив бизнесни кредитлаш бўйича эса андеррайтинг

²СБУ.uz Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий сайти маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланди



тизимига ўтилди. Мазкур амалга оширилган ўзгаришлар натижасида бир қанча босқичли кредитлаш жараёнидан воз кечилишга эришилди ва шунингдек кредитлаш жараёнидаги таваккалчиликларни ҳам камайтиришга эришилди. Келгусида эса банклар олдидаги муҳим вазифалардан бири сифатида жорий қилинган тизимларни даврий равишда қайта кўриб чиқиш ҳисобланади. Шу жумладан ишлаб чиқилган скоринг тизимларини ҳар йили камида бир маротаба текшириб бориш ҳам зарурдир.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтганда, кредит рискларини бошқариш ҳар доим банк учун энг муҳим масалалардан бири бўлган ва доимий равишда кредит рискларни бошқариш ёндашувлари ҳамда услубларини такомиллаштириб боришни тақозо қилади. Шу боисдан Республикамизда ҳам банклар томонидан Базел кўмитасининг тавсияларини босқичма босқич жорий қилиб бориш, илғор ҳорижий тажрибалардаги замонавий моделларни қўллаш асосида рискларни бошқаришни янги босқичга олиб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Кредитлаш бўйича жорий қилинган скоринг методикаларини ҳам бир йилда камида бир маротаба валидация қилиш, валидацияни кредитлаш алоҳида бўлган мустақил бўлинмалар томонидан амалга оширилишини таклиф қиламиз. Бу ўз навбатида банкларни жадал ва барқарор ривожланишига, потенциал инвесторлар учун янада жозибадор молиявий институтга айланишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Principles for the Management of Credit Risk, 27 Sep 2000. BIS.org, Базелкўмитаси.
2. Банковское дело, /Под ред. д-ра экон. наук, проф. О.И. Лаврушина.- М."ФИНАНСЫ И СТАТИСТИКА", 2005г. С,369



3. Тухтабаев У.А. Муаммоли кредитлар ва уларни бартараф этиш йўллари / Автореф. дисс иқти.фан.намз. Тошкент, 2008. .
4. Гадоев С.Ж. Тижорат банкларида ликвидлилик riskини бошқаришнинг долзарб масалалари. // Молия. – Тошкент, 2019.
5. Гадоев С.Ж. Тижорат банклари қимматли қоғозлар портфелининг сифатини таъминлаш йўллари. // Молия. – Тошкент, 2021
6. Гадоев С.Ж., Жумазода А. Тижорат банклари мижозларининг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашни такомиллаштириш. // Логистика ва иктисодиёт. Тошкент, 2022.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси,13.05.2020 й., 06/20/5992/0581-сон;
8. Салаев, Р. Ш. (2022). Тижорат банкларида рақамли активлар муомаласини ташкил қилиш ва уни ўзига хос хусусиятлари. MOLIYA VA BANK ISHI, 8(1).